



BUYRUQ

Тошкент шаҳридаги Инҳа университетининг “Одоб-ахлоқ кодекси”ни қабул қилиш тўғрисида

Тошкент шаҳридаги Инҳа университетнинг (кейинги ўринларда - Университет) ички тартиб қоидаларини амалдаги қонун ва қонуности ҳужжатларига мувофиқлаштириш ҳамда университетнинг Одоб-ахлоқ кодекси қабул қилиш мақсадида **буюраман:**

1. Университетнинг **Одоб-ахлоқ кодекси 1-иловага мувофиқ** тасдиқлансин.

2. Университетнинг **Одоб-ахлоқ комиссияси фаолияти тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ** тасдиқлансин.

3. Университетнинг **Одоб-ахлоқ комиссияси таркиби 3-иловага мувофиқ** тасдиқлансин.

4. Ходимлар бўлими (Н.Исамухамедова), Талабалар билан ишлаш ва уларни қўллаб қувватлаш бўлими (Ж.Хурамов) ушбу буйруқ билан тасдиқланган университетнинг Одоб-ахлоқ кодекси билан барча профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабаларни таништириш вазифаси юклатилсин.

5. Университетнинг барча профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва талабалари Тошкент шаҳридаги Инҳа университети Одоб - ахлоқ кодексига тўлиқ риоя қилсинлар.

6. Университетнинг 2020 йил 10 мартдаги 22-сон, 2021 йил 13 январдаги 4-сон ва 2021 йил 28 октябрдаги 128-сон буйруқлари **ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.**

7. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш Ёшлар масалалари, маънавий ва маърифий ишлар бўйича биринчи проректори Т.Турсунмуратов зиммасига юклатилсин.

Ректор в.б.

М.Джалалов

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ИНҲА УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ КОДЕКСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Одоб-ахлоқ кодекси билан тартибга солинадиган муносабатлар

Ушбу Одоб-ахлоқ кодекси (кейинги ўринларда – кодекс) Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонуни, Меҳнат кодекси, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат олий таълим муассасаларининг академик ва ташкилий-бошқарув мустақиллигини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги қарори ҳамда бошқа қонун ва қонуности ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, Тошкент шаҳридаги Инҳа университетининг (кейинги ўринларда – Университет) профессор-ўқитувчилари, барча ходимлари, бакалавр ва магистратура талабалари, тайёрлов курслари ўқувчилари (кейинги ўринларда – ходим ва талаба) касбий одоб-ахлоқининг тамойиллари, нормалари, таълим жараёни ва хизматдаги хулқ-атворининг асосий қоидалари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

2-модда. Одоб-ахлоқ кодексининг мақсад ва вазифалари

Одоб-ахлоқ кодексининг мақсадлари:

ходим ва талабалар маданиятини миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар асосида шакллантириш;

таълим муассасаларига оид одоб-ахлоқнинг тушунчасини шакллантириш ва такомиллаштириб бориш;

ходим ва талабалар Университет ва унинг қадриятларига ҳурмат руҳида тарбиялаш;

Таълим муассасасида кийиниш, ташқи кўриниш ва хулқ-атворга бўлган талабларни ўрнатишдан иборатдир.

Одоб-ахлоқ кодексининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

Университетнинг ходим ва талабалари ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жинойатчиликнинг олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларни амалга ошириш;

Университетда зўравонлик, шафқатсизлик ва ҳаёсизлик каби номақбул ҳатти-ҳаракатлар билан шуғулланиш ва (ёки) тарғибот-ташвиқот қилинишини олдини олиш;

турли салбий иллатлар ва миллий менталитетимизга ёт бўлган ғоя ва қарашлар, экстремизм, сепаратизм, фундаментализм ва “оммавий маданият”нинг таъсир ҳамда хуружларни тарғибот-ташвиқот қилинишига оид ҳаракатларни олдини олиш;

мазкур номақбул ҳатти-ҳаракатлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, бартараф этиш;

ходим ва талабаларда юксак ҳуқуқий онгни шакллантириш орқали Ўзбекистон Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялаш;

ходим ва талабаларда фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларини доимо ҳурмат қилиш ва ҳимоя қилиш кўникмасини шакллантириш ва юксалтириш;

ходим ва талабаларда ватанпарварлик, юксак маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш ва уларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш;

Университетда соғлом ижтимоий-психологик муҳитни шакллантириш ва ривожлантириш;

ходим ва талабаларда ташқи кўринишга оид маданиятни шакллантириш учун шароитлар яратиш;

Университетнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ҳамда таълим тизимидаги нуфузи, обрў-эътиборини асраб-авайлаш ва янада ошириш.

3-модда. Кодекснинг амал қилиш доираси

Ушбу Кодекс Университетнинг барча ходим ва талабаларига нисбатан татбиқ этилади.

2-боб. Кодекснинг принциплари

4-модда. Университетнинг ходим ва талабалари хуқ-атворининг асосий принциплари

Мазкур Кодекс қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, ватанпарварлик, хизмат ва ўқиш бурчига содиқлик, адолат, ҳалоллик ва холислик, самарадорлик ва тежамкорлик принципларига асосланади.

5-модда. Қонунийлик принципи

Университет ходим ва талабалари Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига сўзсиз риоя қиладилар ҳамда ўз хизмат ва ўқиш мажбуриятларини лавозим йўриқномалари, меҳнат шартномалари, ушбу Кодекс қоидалари, Университет Ички тартиб қоидалари ҳамда таълимга оид бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ бажарадилар.

6-модда. Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги принципи

Фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари Университетнинг олий қадрияти бўлиб ҳисобланади. Университет ходим, талаба ва докторантлари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилишига йўл қўймайдилар ва бундай бузилишлар рўй берган ҳолларда уларни тиклашга кўмаклашадилар.

7-модда. Ватанпарварлик, хизмат ва ўқиш бурчига содиқлик принципи

Университет ходим ва талабалари ўз ўқиш ва хизмат фаолиятларини маънавий-ахлоқий қадриятлар, Ватанга садоқат, хизмат ва ўқиш бурчига содиқлик асосида жамиятнинг Университетга бўлган талаби ва ишончини ифодалаган ҳолда амалга оширадилар. Ходим, талаба ва докторантлар ўз ўқиш ва хизмат бурчларини ўзаро хайрихоҳлик, ўз манфаатлари ва мафкуравий қарашларидан қатъий назар лозим даражада бажарадилар.

8-модда. Адолат, ҳалоллик ва холислик принципи

Университет ходим ва талабалари ўз хизмат ва ўқиш фаолиятларини амалга оширишда адолатли, ҳалол ва холис бўлишлари ҳамда Университетга, унга тегишли бўлган сайтлар ва ижтимоий тармоқларга мурожаат қилган барча юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан ушбу принцип талаблари асосида муносабатда бўлишлари шарт.

9-модда. Самарадорлик ва тежамкорлик принципи

Университет ходим ва талабалари ўз фаолияти самарадорлигини инновацион технологияларни татбиқ этиш ва бошқа йўллар билан доимий равишда ошириб борадилар.

Университет ходим ва талабалари, ўз навбатида Университетнинг мулкига, ўзининг ва бошқа шахсларнинг вақтига масъулият ва эҳтиёткорлик билан ёндашадилар.

3-боб. Коррупцияга қарши курашиш

10-модда. Коррупциянинг ҳар қандай шакл ва кўринишини қабул қилмаслик

Университет ходим ва талабалари коррупциянинг ҳар қандай шакли ва кўринишини қабул қилмайдилар ва унинг бирор-бир тарзда намоён бўлишига қарши ҳамжиҳатликда қонуний чораларни кўрадилар.

Ходим ва талабалар коррупцияга қарши курашишлари ва унинг профилактикасига фаол кўмаклашишлари, шунингдек, Университет коррупцияга қарши курашиш сиёсати ва бошқа коррупцияга қарши курашишга оид ҳужжатлар талабларини сўзсиз бажаришлари, ўз фаолиятларини ошкора ва адолатли амалга оширишлари, юқори ахлоқий қадриятлар ва принципларга содиқ қолган ҳолда қонун устуворлигига қатъий риоя этишлари шарт.

4-боб. Ходим ва талабалар юриш-туриш ва расмий мулоқотига оид талаблар

11-модда. Университетда кийиниш ва ташқи кўринишга оид қоидалар

Университет ходим ва талабалари ўз ўқиш ва касбига мос бўлган замонавий кийимда бўлишлари лозим.

Университет ходим ва талабалари бўлган хотин-қизлари танани шаффоф кўрсатиб турадиган, елка, кўкрак ва қорин, тиззадан юқори қисмлари очик қоладиган ҳамда ҳаддан зиёд тор кийимда, ибодат либосларида, шунингдек, қулоқчинлар, қулоқ ва бармоқлардан ташқари тананинг турли кўринадиган қисмларига турли зирак ёки металл буюмлар билан, танасининг кўриниб турадиган қисмида пирсинг ёки татуировкада Университетга келишлари мумкин эмас.

Талаба-қизлар университетга оч рангли ва ёрқин рангда бўлмаган блузкаларда, тиззани ёпиб турадиган юбка, классик турдаги шимлар ёки костюм ва тўқ рангдаги пойабзалда келишлари лозим, шунингдек, ўзлари билан зарурий ўқув воситаларини олиб келишлари шарт.

Университет ходими ва талабаси бўлган эркалар ярим классик ва классик услубдаги кийимда, сочи калта (1 дан 7 смгача) қилинган ва соқоли

олинган (бир-икки кунлик) ҳолда келишлари лозим. Бунда, талабалар ўзлари билан зарурий ўқув воситаларини олиб келишлари шарт. Ходим, талабага профессионаликка ва танлаган касбига хос тарзда кийиниш тарғиб қилинади.

Ходим, талаба ва докторантларнинг аудитория ва хизмат хоналарида устки кийим (плаш, пальто, куртка ҳамда бош кийим кабилар) да юришлари тақиқланади.

Ходимлар, талабалар ва докторантларнинг ташқи қиёфаси ва кийимлари озода, покиза бўлиши лозим.

Шунингдек, ходим, талаба ва докторантларнинг университетга келиши рухсат этилган формасига турли дин ва конфессиялар ҳамда субмаданиятларга мансубликни акс эттирувчи элементларни (кипа, кашая, хоч, ҳижоб ва бошқалар) қўшишга йўл қўйилмайди.

Дам олиш кунлари (шанба ва якшанба) эркин уст-бошда (танани шаффоф кўрсатиб турадиган, елка, кўкрак ва қорин, тиззадан юқори қисмлари очиқ қоладиган, турли дин ва конфессиялар ҳамда субмаданиятларга мансубликни акс эттирувчи кийимда келиш бундан мустасно) келишга рухсат этилади (расмий тадбирларда иштирок этишга жалб қилинганлар белгиланган кийиниш тартибига амал қилган ҳолда келади).

12-модда. Мажлис ва йиғинларда иштирок этиш

Университет ходим ва талабалари турли тадбирлар (мажлислар, тантанали йиғилишлар, учрашувлар, байрамлар)даги иштироки жараёнида сўзга чиқувчиларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишлари, тадбир давомида тинчлик ва осойишталикни сақлашлари шарт бўлиб, раислик қилувчи ва модераторнинг рухсатисиз луқма ташлаш ва сўзга чиқиш мумкин эмас. Зарурат туғилганда нутқлар ўртасида мажлислар залидан чиқиб-кириш мумкин.

13-модда. Биноларда юриш-туриш қондаларига амал қилиш

Биноларга кириш ва чиқиш жойларида, шунингдек, йўлакларда талабалар ходимларни, эркаклар аёлларни, ёшлар эса катталарни ўзларидан олдин ўтказиб юборишлари лозим.

Бинога кираётган Университет ходим ва талабалари биноларга кириб-чиқишни назорат қилиш учун тайинланган масъул шахс ёки навбатчига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни (рухсатнома, талабалик гувоҳномаси, паспорт ва ҳ.к.) очиқ ҳолда кўрсатишлари ёки махсус берилган ИД-карта ва фейс-контрол орқали турникетлардан ўтишлари шарт.

Ходим ва талабалар Университет ҳудудида йўлнинг ўнг томонидан юришлари, шунингдек, йўлак ва холларда мобил алоқа воситалари орқали баланд овозда гаплашмасликлари керак. Бир-бирларига дуч келганда саломлашишлари, бунда: талабалар ходимларга, ёшлар катталарга биринчи бўлиб салом беришлари тавсия этилади.

14-модда. Ходим, талаба ва докторантларнинг расмий мулоқот меъёрлари

Университет ходим ва талабалари ташкилот ва муассасалар, оммавий ахборот воситалари ҳамда фуқаролар билан ўзаро муносабатга киришганда қуйидаги расмий мулоқот меъёр ва қоидаларига амал қилишлари керак:

ўз ҳаракатларини Университет манфаатларини кўзлаб амалга ошириш, унинг имижини сақлаш ва ошириш, Университет, унинг ходимлари, талабалари номи ва манфаатларига зиён етказадиган ҳаракатларни амалга оширмаслик, шунингдек, улар билан мулоқот қилганда ҳамда ижтимоий тармоқ ва мессенжерлардаги ёзишмаларида ўзларининг намунали хулқ-атвори билан Университет ҳақида юксак ижобий таассурот уйғотиш;

Университет, унинг ходим, талаба ва докторантлари ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёки нотўғри талқин қилинган, нотўғри талқин қилиш учун имкон берадиган маълумотларни тарқатмаслик, бундай маълумотлар тарқалишига йўл қўймаслик, шунингдек, жамоат олдида ва ижтимоий тармоқларда бу мавзуда чиқишлар қилмаслик;

ходим, талаба ва докторантларнинг розилигисиз уларнинг шахсий ҳаётига оид маълумотларни ошкор қилмаслик;

ходим ва талабалар ҳақида уларнинг касбий ва ўқув фаолиятига оид бўлмаган маълумотларни аниқлаштирмаслик;

хизмат ахборотларини тақдим этиш қоидаларига амал қилиш;

сўралган ахборотни етарлилик (ҳаддан ташқари қисқа шу билан бирга ўта керагидан ортиқ) ва ишончлилик (қайта текширишни талаб қилмайдиган) талабларига мувофиқ ҳолда тақдим этиш;

ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида олинган маълумотлардан мақсадга мувофиқ бўлмаган тарзда фойдаланмаслик, шунингдек, уларни Университет раҳбарияти рухсатисиз тарқатмаслик;

ходим, ва талабаларнинг таълим жараёнидаги фаолияти ва касбий ҳаракатларини асоссиз танқид қилмаслик, жамоат олдида чиқишлар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва турли хил ижтимоий тармоқларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва Университет фаолияти, унинг ходимлари ҳаракатларини ҳақиқатга тўғри келмайдиган, асоссиз ва аниқ далилларга асосланмаган ҳолда муҳокама қилмаслик ва улар ҳақида баҳо бериб, фикр-мулоҳазалар билдирмаслик.

15-модда. Иш ва ўқиш вақтига риоя қилиш

Ходим ва талабалар дарс машғулотлари ва ишга ўз вақтида келишлари, меҳнат ҳамда ўқиш интизомига риоя қилишлари шарт.

16-модда. Университетда ғайрияхлоқий ва ножўя хатти-ҳаракатларни содир этишга йўл қўйилмаслиги

Талабанинг ўқишига, ходимнинг эса Университетда меҳнат фаолиятини юритишига тўсқинлик қиладиган қуйидаги ғайрияхлоқий ва ножўя хатти-ҳаракатларни содир этиши қатъиян тақиқланади:

ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ёки жиноят содир этиш, жумладан, тухмат қилиш, ҳақоратлаш;

гиёҳванд моддалар, психотроп, синтетик воситалар ва уларнинг аналоглари, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, вайп, чилим, электрон сигаретлар ва сархуш қилувчи бошқа восита ҳамда моддаларни истеъмол қилиш ва тарқатиш;

тинчлик ёки осойишталикка қарши тажовуз қилиш, жанжаллашиш, кимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ўйнаш;

Университетга моддий ва унинг ишчанлик обрўсига салбий таъсир этувчи маънавий зарар етказиш;

ходим, талабага жисмоний, маънавий ёки моддий зарар етказиш;

ходим, талаба ёки бошқа шахсларнинг мулкига, моддий қимматликларига эгалик қилиш, фойдаланиш ёки тасарруф этиш учун турли кўринишда эгаллаб олиш, башарти ушбу ҳолат тегишли асослар билан ўз тасдиғини топса;

Университетнинг ҳудуди ва атроф-муҳитини ҳар қандай кўринишда ифлослантириш;

Университет бинолари ва ҳовлисида, шунингдек, Университет биноларига туташган ҳудудда спиртли ичимликлар ичиш ва тамаки ёхуд бошқа турдаги маҳсулотларни чекиш ҳамда маст ҳолда бўлиш, ташки кўринишга ва ушбу Кодексда белгиланган қоидаларга зид равишда сочи ўсган ва тўзгиган, соқоли олинмаган (юқорида кўрсатилган узунликдан узунроқ), сочларини ноодатий бир ёки бир неча рангларга бўялган ва кийиниш талабларига риоя қилмаган ҳолда келиш;

Университетга тегишли компьютерларда Университетга тегишли бўлмаган маълумотларни, шунингдек, турли кинофильмлар, ноқонуний маълумотлар, беҳаё сурат ва фильмлар, миллий, ирқий, этник, диний адоватни тарғиб қилувчи, экстремистик, сепаратистик ва фундаменталистик кайфиятдаги ҳар қандай материалларни тайёрлаш, кўриш, сақлаш, тарқатиш ва уларга даъват этиш;

ўқув машғулотлари ва ишга ҳамда ходим ва талабаларнинг осойишталигига халақит берадиган хатти-ҳаракатлар содир этиш (радиоузатгич, телевизор, мультимедиа ва овоз чиқарувчи мосламалардан мақсадсиз фойдаланиш);

ходимлар ва талабалар томонидан сохта маълумот ва ҳужжатларни тақдим этиш;

ходимлар ва талабалар томонидан университет ҳужжатларига қасдан ўзгартириш киритиш ёки уларни йўқ қилиш (бўяш, ўчириш, қўшимча ёзувлар киритиш ёки зарар етказиш);

ўқув жараёнига оид қоида ва талаблар бузилиши билан боғлиқ ҳолатлар академик ҳалолликка оид ички меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади;

умумбашарий ва миллий қадриятларга хос бўлмаган ёки Университет, унинг ходимлари нуфузига путур етказадиган материалларни Интернет тармоғи ва бошқа ижтимоий тармоқларга жойлаштириш ёки улардан турли номувофик мақсадларда фойдаланиш.

Ходимлар ва талабалар томонидан университетнинг ишчанлик обрўси, кадр-қиммати ва нуфузини туширадиган, таълим жараёнининг маънавий бузилишига олиб келадиган агрессия, одамларнинг шаъни ва кадр-қимматини камситадиган, зўрлаш ва ваҳшийлик, вандализм, миллатлараро низо кўзгатадиган, таъқиқланган диний йўналишдаги, терроризм, экстремизм, ва фундаментализм, шунингдек, беҳаё ва ишқий саҳналарни намоён қиладиган фотосуратлар, видео ва аудиоёзувлардан фойдаланиш ва уларнинг тарқатилишига йўл қўйилмайди.

Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа ташкилотлар, шунингдек Университет фаолияти, унинг ходимлари ҳамда талабалари шаъни ва қадр қиммати ҳамда ишчанлик обрўсига салбий таъсир қилувчи ҳақиқатга тўғри келмайдиган, асоссиз ва текширилган далилларга асосланмаган турли хил кўринишдаги маълумот, фикр, мулоҳаза ва муносабатларни Интернет, ижтимоий тармоқлар, шунингдек, бошқа оммавий ахборот манбаларида, тарқатувчиларда, ташувчиларда пайдо бўлиши (ошкор этилиши) мазкур талаба ва докторантнинг ўқишига, ходимнинг эса Университетда меҳнат фаолиятини юритишига тўсқинлик қиладиган ғайриахлоқий ва ноҳўя хатти-ҳаракат ҳисобланади.

5-боб. Университет раҳбариятининг одоб-ахлоққа оид мажбуриятлари ва касбий фаолиятда манфаатлар тўқнашувига йўл қўймасликка оид тартиблар

17-модда. Раҳбарнинг мажбуриятлари

Раҳбарият ҳамда таркибий бўлинма раҳбарлари (кейинги ўринларда – раҳбар) ўзига бўйсунувчи ходимларга нисбатан юқори профессионаллик, холислик, софлик ва адолатда ўрнак бўлиши, Университет ёхуд унинг таркибий бўлинмасида ижобий, маънавий-психологик муҳит шаклланишига кўмаклашиши лозим. Раҳбар бўйсунувчи ходимлардан уларнинг хизмат вазифалари доирасидан чикувчи топшириқларни бажаришини талаб қилмаслиги, шунингдек, қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни содир этишга ундамаслиги керак.

Раҳбар ўз фаолиятида:

кадрларни қариндошлик, ҳамшаҳарлик ёки шахсий садоқат белгилари бўйича танлаш ва жой-жойига қўйиш ва меҳнат муносабатларида камситиш ҳолатларига йўл қўймаслиги;

гурӯҳбозлик, маҳаллийчилик, фаворитизмга, шунингдек, ўз хизмат вазифаларини бажариш жараёнида бошқа салбий омилларнинг келиб чиқишига йўл қўймаслиги;

қўполлик қилмаслиги, одамларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситмаслиги, уларга психологик ва жисмоний таъсир кўрсатмаслиги;

манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уларни тартибга солиш юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўриши;

коррупциянинг олдини олиш чораларини кўриши;

ходимларнинг касбий ва интеллектуал жиҳатдан ривожланишлари учун қулай иш жойи, замонавий компьютерлар, интернет тармоғи, кутубхона фонди ва ахборот ресурсларидан эркин фойдаланишлари, ҳордиқ чиқаришлари, дам олишлари, жисмонан чиниқишлари учун барча шароитларни ички имкониятлардан келиб чиқиб яратиб бериши;

ходимлар фаолиятини самарали ташкил этиб, ўзига ишониб топширилган мулкка ва молиявий маблағларга эҳтиёткорлик ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиши шарт.

Раҳбар қўл остидаги ходимларнинг меҳнат интизомига риоя қилишларини талаб қилиши ва уни таъминлашга масъулдир.

6-боб. Ходим ва талабаларнинг ўзаро муносабатларига оид талаблар

18-модда. Ходим ва талабаларнинг ўзаро муносабатлари

Ходим, талаба ва докторантларнинг ўзаро муносабатлари миллий кадрият ва анъаналар, ягона жамоавий муҳит, ўзаро ҳурмат ва эътибор, дўстлик, ҳамжиҳатлик, ҳалоллик ва адолат тамойилларига асосланиши лозим.

Ходим ва талабаларнинг ўзаро муносабатларида инсон кадр-қимматига ҳурматсизлик, шахсиятни камситиш, ўзганинг интеллектуал мулкани ўзлаштириб олиш, қўполлик, беҳаё сўзлар ишлатиш, муштлашиш қатъиян ман этилади.

Педагог ходимлар томонидан талабаларга нисбатан ўқув ва тарбия жараёнидаги юқори талабчанлик уларнинг шахсини ҳурмат қилиш билан биргаликда амалга оширилиши керак.

19-модда. Педагог ходим ва талабаларнинг аудиториядаги ва ундан ташқаридаги ўзаро муносабатлари

Педагог ходим аудиторияга кирганида, барча талабалар ўринларидан туриб ҳурматларини билдирган ҳолда кутиб олишлари, сўнгра педагог ходим саломлашиб, ўтиришга руҳсат бергач, ўз жойларини эгаллашлари керак. Педагог ходим дарсини тугатиб, аудиториядан чиқиб кетаётганда ҳам талабалар ўринларидан туриб, кузатиб қўйишлари лозим.

Педагог ходимлар ўқув жараёни ва бошқа ҳолатларда ҳам талабаларнинг шахсини ҳурмат қилиши, улар билан муносабатда очиқлик ва ҳайрихоҳлик тамойилларига амал қилиш, талабаларга таълим бериш жараёнида ўз вазифаларини беғараз амалга ошириши, талабага муносабатда уларни камситиш, қўпол сўз ишлатиш, ўзини юқори тутиш ва таниш-билишчилик каби ёндашув шакллари мутлақо қўлламаслик, уларга нисбатан доимо ҳаққоний муносабатда ва ҳолис бўлишлари шарт.

Педагог ходимлар талабаларга уларни қизиқтирган фан ёки ўқув курсига оид масалалар юзасидан дарс жараёнидан ташқари вақтларда берган саволларига ҳам ахлоқ меъёрларига амал қилган ҳолда жавоб қайтаришлари ва уларни фанга бўлган қизиқиш ва иштиёқларини ошириш чораларини кўришлари зарур.

20-модда. Академик таъқиб ва тазйиққа йўл қўйилмаслиги

Университет ҳаётида раҳбарият ёки педагог ходим томонидан талабаларни уларнинг розилигисиз муайян ишларга жалб этганлик, ҳақ тўламасдан уларнинг меҳнат кучидан фойдаланиш (Университет ва унга бириктирилган бошқа ҳудудда Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарори билан хавфсизлик стандартларига қатъий риоя қилинган ҳолда ихтиёрий шанбалик ва бошқа турдаги тадбирлар ташкил этилган ҳоллар бундан мустасно) мақсадида уларга мурожаат этилганида, талабалар томонидан бундай сўровга рад жавобининг берилиши педагог ходим томонидан келгусида уларга дарс машғулотида паст баҳо

қўйиш ёки бошқа турдаги тазйиқ ва таъқиб (academic harassment) қилиш билан боғлиқ муносабат кўрсатилишига имкон бермайди ва бундай таъқиб қаттиқ қораланади.

21-модда. Уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш

Дарс машғулотлари вақтида уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш барча учун қатъиян тақиқланади. Уяли алоқа воситаларидан фойдаланишга зарур ва узрли ҳолатларда педагог ходимнинг рухсати билангина рухсат этилиши мумкин.

22-модда. Дарс машғулотларида иштирок этиш

Талабаларнинг дарсга кеч қолиб келишларига йўл қўйилмайди.

Педагог ходим дарс машғулотларига ўзининг ноҳўя ҳаракатлари билан ҳалақит бераётган (ўз касбий фаолиятига аралашувдан ҳимояланиш мақсадида) талабани юзага келган вазият ҳақида ўқув ишлари бўйича биринчи проректорни (у ўз ўрнида бўлмаганда ёшлар масалалари, маънавий маърифий ишлар бўйича биринчи проректорни) хабардор қилган ҳолда дарсдан четлаштириши мумкин.

23-модда. Дарс машғулотидан ташқари вақтда мулоқот қилиш

Талаба учун педагог ходим билан дарс машғулотларидан ташқари вақтда мулоқот қилиш зарурати бўлса, у ҳолда мулоқот:

маслаҳат соатлари, мустақил иш ёки ўзаро келишув бўйича белгиланган вақтда амалга оширилиши мумкин;

талаба ўзи мулоқот қилмоқчи бўлган педагог ходимнинг лавозими, исми, отасининг исми ва фамилиясини билиши мақсадга мувофиқ.

Асосланган жиддий сабаблар (қўполлик, тамагирлик, дарс сифатининг пастлиги, педагог ходимнинг айби билан машғулотлар ўтказилишидаги мунтазам узилиш ҳолларини исботловчи далиллар ҳамда гуруҳ (курс)нинг яқдил фикри мавжуд бўлган ҳолатларда талабалар педагог ходимни алмаштириш ҳақида илтимос билан ўқув ишлари бўйича биринчи проректорга мурожаат қилишлари мумкин.

24-модда. Субординация

Раҳбар ходимларга ходим ва талабалар томонидан бирон-бир масала юзасидан вужудга келган ҳолатлар бўйича мурожаат қилиниши муайян тартиб (субординация тамойили), яъни муносабат билдиришдаги раҳбарият бўғинларига босқичма-босқич чиқиш асосида ташкил этилади. Университет ректорига талабаларнинг тўғридан-тўғри мурожаат қилиш ҳолатлари бундан мустасно.

25-модда. Ташаббус ва фаоллик

Ходим, талаба ва докторантларнинг Университетда маънавий-ахлоқий муҳитни янада яхшилаш, таълим сифатини ошириш, инновацион ғоялардан самарали фойдаланиш, турли хил манфаатли тадбирлар уюштириш бўйича ташаббус ва ғоялари рағбатлантирилади.

7-боб. Ходим, талаба ва докторантларнинг одоб-ахлоққа оид мажбуриятлари

26-модда. Одоб-ахлоққа оид мажбуриятлар

Ходим ва талабалар:
қонун ҳужжатлари ва мазкур Кодекс талабларига риоя этишга;
доимо юксакликка интилиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечирish
каби олижаноб фазилатларни чуқур англашга;
одоб-ахлоққа оид миллий анъаналаримиз, урф-одат ва
кадриятларимизни ҳурмат қилишга;
ўз устиларида доимий равишда ишлаш ва қабул қилинаётган қонун
ҳужжатларини мунтазам равишда ўрганиб боришга;
ўз вазифаларини виждонан, профессионал даражада амалга оширишга;
Университет обрў-эътибори ва нуфузига доғ туширадиган ҳар қандай
ҳаракатларни содир этишдан ўзини тийишга;
Университет тўғрисидаги ахборотлардан унинг манфаатлари ва
ишчанлик обрўсига зиён етказиш мақсадида фойдаланмасликка;
Университет мулкига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш (кўчар
ва кўчмас мулк, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига ва б.), шу жумладан, хизмат
вазифасини бажариш учун берилган моддий техника воситаларидан тўғри ва
тежамкорона фойдаланишга;
электр энергияси ва сувни тежамкорона ишлатишга;
бирон-бир нохуш воқеа ёки ҳодиса рўй берса, у ҳақда зудлик билан
университет раҳбариятига хабар беришга;
белгиланган чекловлар ва тақиқларга риоя қилиш, ўз вазифаларини
оғишмай бажаришга, ходим, талаба ва докторантларнинг шахсий ва оилавий
муаммоларини муҳокама қилмасликка, ҳеч бир шахс ҳақида жинси, ирки,
миллати, тили, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши ва лавозими ҳақида
ҳамда бошқа хусусиятларидан қатъи назар нотўғри фикр юритмасликка ва
уни камситмасликка;
ходим ва талабалар, шунингдек, бошқа шахслар ҳақида турли иғво,
фитна, ғийбат ва бўҳтонлар уюштирмасликка ва тарқатмасликка;
Университет ишчанлик обрўси ёки нуфузига путур етказадиган низоли
вазиятларга йўл қўймасликка;
ходим ва талабаларнинг меҳнат ва ўқув жараёнидаги саъй-
ҳаракатларига қасддан зиён етказмасликка;
хотин-қизларнинг шаъни ва қадр-қимматини камситадиган ҳаракатлар
содир этмасликка, шилқимлик қилмасликка, ўзаро муносабатларда
умумэътироф этилган ахлоқ қоидаларини менсимасликда ифодаланувчи
беҳаё сўзлардан фойдаланмасликка, университет ҳудудида ишқий ва жинсий
муносабатларда бўлмасликка;
университет ҳудудида спиртли маҳсулотларни истемол қилмасликка,
алоҳида ажратилган жойлардан ташқарида тамаки маҳсулотларини истъмол
қилмасликка;
давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг, шунингдек, Университет
раҳбариятининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган (берган)
қарорларини (топшириқларини) ўз вақтида ва сифатли бажаришга;
шахсий фойдаси ҳамда ўзгалар манфаатини кўзлаб ўз мавқеини
суиистемол қилмасликка;

хақиқатни гапиришга, раҳбарлар ва бошқа ходимларни чалғитмасликка;

мутасадди ходимларнинг рухсатисиз турли реклама воситаларини ўрнатмасликка;

касбий фаолияти давомида ўзларига маълум бўлган, уларнинг ошкор этилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб бериладиган ахборотнинг сақланиши ва махфийлигини таъминлаш юзасидан барча чораларни кўришга;

соғлом турмуш тарзини юритиш ва атрофдагиларнинг соғлигини сақлашга ғамхўрлик қилиш, эстетик ва экологик маданиятнинг ошишига кўмаклашишга;

танқидий мулоҳазаларни билдиришга ва объектив қарор қабул қилишга, ўз хато ва камчиликларини англаш ва бартараф этишга;

моддий жиҳатдан яхши таъминланганлигини турли йўллар билан атайлаб кўз-кўз қилмасликка;

Ахборот-ресурс маркази ходимлари билан хушмуомала бўлишга, китоблар ва жиҳозларга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга, у ерда уяли алоқа воситаларини ўчириб қўйиш ёки овозсиз режимга қўйишга, баланд овозда сўзлашмаслик ва атрофдагиларга халақит бермасликка, озиқ-овқат истеъмол қилмаслик, қоғоз, сақич ва бошқа чиқиндиларни қолдириб кетмасликка, китобларни олиш ва топшириш тартиб-қоидаларига риоя қилишга;

спорт мажмуасига спорт кийими ва пойабзалида киришга;

спорт инвентарларига нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлишга;

машғулотлардан кейин спорт инвентарларини белгиланган жойларга қайта топширишга;

спорт мажмуасининг белгиланган тартиб-қоидаларига риоя қилишга;

Университет аудиториялари, бинолари ва биноларга туташган ҳудудда тозаликни сақлашга;

ҳудудни ифлослантмаслик, чиқиндиларни жойларда қўйилган махсус кутиларга ташлашга;

шахсий автомобилни тақиқланган жойда қолдирмаслик, йўл ҳаракати қоидаларини бузмаслик ва менсимасликка (бепарво бўлиш), шунингдек, транспорт воситаларидан фойдаланишда хавф-хатар яратмасликка;

иш (ўқиш)дан ташқари вақтда умумий қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этишлари, ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга йўл қўймасликка мажбур.

27-модда. Одоб-ахлоққа оид қўшимча талаблар

а) талабалар:

нутқ маданиятини доимий такомиллаштириб боришга;

талабаларнинг ўз-ўзини бошқариш тизимини фаол қўллаб-қувватлаш ва мустақкамлаш, ижодий фаолиятни ривожлантириш ва жамоавий маданиятни ўстиришга;

педагог ходим билан бошқа талабаларнинг баҳосини муҳокама қилмасликка;

ёзма ишларни ҳимоя қилиш ва рейтинг назоратига доир тартиб-қонидани бажариш вақтида четдан ёрдам олмаслик, ўзгаларга ёрдам кўрсатмасликка;

бошқа шахслар томонидан тайёрланган топшириқлар ёки ёзма ишларни ўз номидан топширмасликка;

машғулотларни сабабсиз ўтказиб юбормасликка ва дарсларга сабабсиз кечикиб келмасликка;

ўқув машғулотлари вақтида Университет ҳудудида беҳуда юрмасликка;

Университет ходимлари ва ўқитувчиларига қўполлик қилмасликка, улар билан тортишмасликка, агарда улар ноҳақ бўлса тегишли шахсларга хабар беришга, ўқитувчиларнинг шахсий ҳаётига оид ноўрин саволлар билан мурожаат қилмасликка, уларга нисбатан адоват сақламасликка мажбурдирлар.

Шу билан бирга, талабалар ходим, талаба ёки докторант билан низоли вазият юзага келганда ўз ҳиссиётларини жиловлашга ва мазкур вазиятни кўриб чиқиш бўйича тегишли бўлинма ва ходимлар (мураббий, тьютор, ёшлар маслалари, маънавий ва маърифий ишлар бўйича биринчи проректор, ўқув ишлари бўйича биринчи проректор ва ректор) га мурожаат қилишлари;

ўқув жараёнида фаол, эътиборли бўлишга ва педагог ходимнинг кўрсатмаларига қатъий риоя қилишлари;

дарс вақтида гаплашмаслик ҳамда дарс машғулотида тааллуқли бўлмаган ишлар билан шуғулланмасликлари;

жиҳозларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш, стол ва стулларга ёзмасликлари;

қоғоз, сақич ва бошқа кераксиз нарсаларни аудиторияда қолдириб кетмасликлари;

аудиторияларда ва овқатланиш жойларидан бошқа жойларда овқатланмаслик, шунингдек, шахсий компьютер ва бошқа коммуникация воситаларидан фақат педагог ходим рухсати билан фойдаланишлари;

педагог ходимга машғулотлар вақтида савол ёки илтимос билан қўл кўтарган ҳолда ва рухсат берилганидан сўнг мурожаат қилишлари;

умумий овқатланиш жойларида таомларга буюртма бериш ва олишда навбат тартибига ҳамда белгиланган қоидаларга риоя қилишлари;

университетда таҳсил олаётган ўғил болалар университет ҳудудига озода, ярим расмий (йиртиқ шим, калта шим, турли расмлар туширилган футболкалар, спорт кийимлари бундан мустасно) ва расмий кийимда, сочларини тартибга солган (тўзғимаган ва турли рангларга бўялмаган), соқоли олинган ҳолда келишлари;

университет томонидан ва ҳамкорлар томонидан ташкил этиладиган тадбирларга таклиф этилган талабалар расмий протокол кийимда келишлари, этикет талаблари доирасида ўзларини тутишлари;

қиз бола талабалар сочлари тартибга солинган, классик ёки ярим классик (шаффоф кийим, ўта ёрқин макияж, йиртиқ шим, ўта тор шим, спорт кийимида келиш, рўмолни жағидан ўраган, юзини бекитган ва турли тақинчоқлар тақиш ҳолатлари бундан мустасно) кийимда келишлари;

университет шаънига доғ туширадиган ва асосланмаган маълумотларни Интернет, ижтимоий тармоқлар ва бошқа оммавий ахборот воситаларида тарқатиш ва муҳкома қилмасликлари;

талабалар турар жойи Ички тартиб қондасига қатъий риоя қилишлари шарт.

б) ходимлар:

ўз хизмат жойидаги тартиб-интизомга ва Университет ички тартиб қоидаларига риоя қилишга;

таътилдан олдин ёки меҳнат шартномаси бекор қилинганда ўз хизмат жойини талабга жавоб берадиган ҳолатда қолдиришга, ўз зиммасидаги оргтехника воситалари ва бошқа материалларни, ўзига топширилган, лекин ҳали яқунланмаган вазифаларни бошқа шахсга топширмасликка;

телефон орқали мулоқот қилишда муомала маданияти ва ахборот тақдим этиш қондасига риоя қилишга (жумладан, суҳбатни энг аввал расмий тарзда саломлашишдан бошлаб, сўнг ўз хизмат муассасаси, лавозими ҳамда фамилияси, исми, шарифини айтиб, мақсадга ўтиш лозим, тақдим этилаётган ахборот максимал қисқа, лўнда ва аниқ бўлиши керак, сўралаётган маълумот суҳбат жараёнида изланиши туфайли телефон тармоғини банд қилишга йўл қўйилмайди, зарурат бўлса, қайта қўнғирокни амалга ошириш мумкин);

ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга;

ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган экстремистик таъсирлардан, “оммавий маданият” хуружларидан огоҳ этиб боришга;

таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда ва маърифий ишларнинг самарали шакл ҳамда услубларини ишлаб чиқишга кўмаклашишга;

ўз хизмат вазифаларини виждонан бажаришга шубҳа туғдирадиган хатти-ҳаракатларни қилмасликка, талабалар билан ўз ҳамкасбларини касбий ва шахсий камчиликларини муҳокама қилмасликка;

таълим олувчиларга нисбатан тазйиқ ўтказиш, тегажоғлиқ ва зўравонлик қилиш каби шаън ва қадр-қимматини камситадиган ножўя-хатти ҳаракатларни содир этмасликка;

талабага нисбатан адоватга бормасликка;

академик гуруҳда (курсда) талабалар хулқининг умумий маданий ҳолати ҳақида ўқув ишлари бўйича биринчи проректорга керак бўлган ҳолларда таъсир чоралари кўриш лозимлиги юзасидан ёзма маълумот тақдим этиш каби талабларни бажарадилар.

8-боб. Рағбатлантириш ва чора кўриш тартиби

28-модда. Ходим ва талабаларни рағбатлантириш

Ўқув йили давомида мазкур Кодексга тўла риоя қилган, Университетда юксак маънавий-ахлоқий муҳитнинг янада қарор топиши ва мустаҳкамланишига ўз ҳиссасини қўшган ходим ва талабалар раҳбарият, профессор-ўқитувчи ва бошқа таркибий бўлинма раҳбарлари тавсиясига биноан белгиланган тартибда моддий ёки маънавий рағбатлантирилишлари мумкин.

29-модда. Кодексга риоя қилишнинг аттестация ва бошқа жараёнлар учун аҳамияти

Ходимлар томонидан мазкур кодексга риоя этилиши аттестациялар ўтказишда, юқори ва бошқа лавозимларга тайинлаш (карьеравий ўсиш) учун кадрлар захирасини шакллантиришда ҳисобга олинади.

30-модда. Кодекс қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

Университет ходим, талаба ва докторанти томонидан мазкур Кодекс қоидаларининг бузилиши уни белгиланган тартибда жавобгарликка тортишга асос бўлиб хизмат қилади.

31-модда. Кодекс ва ички тартиб-қоидаларнинг ўзаро муносабати

Ходим ва талабалар мазкур Кодекс қоидаларини бузганида, уларга нисбатан Университет Ички тартиб қоидаларининг VII бобида (Меҳнат ва ўқиш интизомини бузганлик учун жавобгарлик) қайд этилган чоралар қўлланилади.

9-боб. Одоб-ахлоқ комиссияси фаолиятини ташкил этиш

32-модда. Одоб-ахлоқ комиссияси

Мазкур Кодекс нормаларининг ходим ва талабалар томонидан бузилишига оид масалалар, қоида тариқасида, Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқилиши мумкин.

Шунингдек, Одоб-ахлоқ комиссияси, қоида тариқасида, университет ректорининг кўрсатмаси бўйича;

хизмат текшируви натижаларига кўра;

ўз ташаббуси билан;

Университет ходими, талабаси ва докторантларидан, шунингдек, университетга алоқа каналлари орқали келиб тушган ахборот асосида ҳам ушбу турдаги масалаларни кўриб чиқиши мумкин.

Одоб-ахлоқ комиссияси камида 5 кишидан кам бўлмаган таркибда тузилади. Одоб-ахлоқ комиссиясининг мақсади, вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва унинг фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ бошқа масалалар университет ректори томонидан тасдиқланган Одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги низомда белгиланади.

33-модда. Одоб-ахлоқ комиссияси хулосаси

Одоб-ахлоқ кодексининг бузилиши ҳолатларини Одоб-ахлоқ комиссияси томонидан кўриб чиқиш натижалари бўйича интизомий ёки бошқа тарздаги қоида бузилишларининг мавжудлиги (мавжуд эмаслиги) тўғрисида хулоса чиқарилади. Айти вақтда Университет ректорига кўриб чиқиши учун қоидабузар ходим, талаба ва докторантни жавобгарликка тортиш тўғрисида таклиф киритилади. Йўл қўйилган қоида бузилишининг

хусусиятини ҳисобга олган ҳолда Одоб-ахлоқ комиссияси ходим ва талабага нисбатан Одоб-ахлоқ кодексининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги огоҳлантириш билан чекланиши мумкин.

Одоб-ахлоқ кодексига риоя этмаган ходим ва талабани интизомий жавобгарликка тортиш бўйича буйруқ лойиҳаси ёшлар масалалари, маънавий ва маърифий ишлар бўйича биринчи проректор (талабаларга нисбатан), Ходимлар бўлими (ходимларга нисбатан) томонидан тайёрланади.

Одоб-ахлоқ кодексига риоя этмаган ходимларга нисбатан махсус комиссиянинг қарорига асосан, университет ректорининг буйруғи билан Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигига мувофиқ чоралар қўлланилади.

Одоб-ахлоқ кодексига риоя этмаган талабаларга нисбатан махсус комиссиянинг қарорига асосан, университет ректорининг буйруғи билан қуйидаги интизомий чоралар қўлланилади:

- ота- онасини хабардор қилган ҳолда тушинтириш ишлари олиб бориш ва талаба томонидан ички тариб қоида талаблари такроран бузилган ҳолда унга нисбатан қандай чоралар қўрилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантириш;

- ҳайфсан эълон қилиш;

- бир йилдан икки йилгача бўлагн муддатга ўқишдан четлаштириш;

- талабалар сафидан четлаштириш.

Ходим ва талабалар ўзлари йўл қўйган қоида бузилиши, қоида бузилишининг кўриб чиқилиши жараёни ҳақида ахборотни олиш ва ўзини ҳимоя қилиш учун далилларни тақдим этиш, шунингдек, Университет қарорлари юзасидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадирлар.

34-модда. Жамоатчилик назорати

Ходим ва талабанинг хулқ-атвори устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида, мазкур Кодексга риоя этмаганлик ҳолатлари Касаба уюшмаси қўмитаси, Хотин-қизлар масалалари бўйича маслаҳат кенгашлари ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилотида ҳам муҳокама қилиниши амалиёти жорий этилиши мумкин.

10-боб. Яқуний қоида

35-модда. Кодекснинг кучга кириши ҳамда унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

Мазкур кодекс университет ректорининг буйруғи асосида кучга киради ва унга ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш ректорининг буйруғи билан амалга оширилади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ ИНҲА УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ОДОБ-АХЛОҚ КОМИССИЯСИ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМ

1. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Тошкент шаҳридаги Инҳа университетининг (кейинги ўринларда - Университет деб юритилади) Одоб-ахлоқ комиссияси (кейинги ўринларда - Комиссия деб юритилади) фаолиятини тартибга солади.

2. Комиссия Университет ходимлари ва талабалари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этишини назорат қилиш, уларнинг ахлоқ нормаларига зид бўлган хатти-ҳаракатларини олдини олиш ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этиш билан боғлиқ низоларни кўриб чиқиш мақсадида тузилади.

3. Комиссия ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ва бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек университет ректорининг тегишли буйруқлари ва ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

Комиссия ўз фаолиятини қуйидаги принциплар асосида амалга оширади:

қонунийлик;

фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

ватанпарварлик ва ўз касбига фидойлик;

давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;

адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;

манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.

2. Комиссиянинг мақсади ва вазифалари

4. Комиссиянинг мақсади Университет ходим ва талабаларининг одоб-ахлоқи, хулқ-атвори, ўз вазифаларига виждонан муносабатда бўлиши. уларнинг оғишмасдан ва юксак касбий даражада бажаришини, хизматдаги хулқ-атвор талабларига риоя этишини назорат қилиш, одоб-ахлоқ кодекси нормаларининг бузилишини олдини олишдан иборат.

5. Комиссиянинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

а) Университетда фаолият юритувчи ходим ва талабаларнинг одоб-ахлоқ кодекси талабларига риоя қилинишини назорат қилиш;

- б) Университет ходим ва талабалари одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилиши масалаларини кўриб чиқиш, хизмат текширувларини ўтказиш;
- д) манфаатлар тўқнашуви талабларини тартибга солиш;
- э) одоб-ахлоқ қоидаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;
- ф) Университетда соғлом муҳитни шакллантириш бўйича тарғибот ишларини амалга ошириш.

3. Комиссия фаолиятини ташкил этиш

6. Комиссия Комиссия раиси, котиби ва аъзоларидан иборат бўлиб, умумий сони

беш нафардан кам бўлмаслиги ва тоқ сонда бўлиши лозим. Комиссия таркиби Университет ректорининг буйруғи билан тасдиқланади ва унга Комиссия раиси раҳбарлик қилади. Комиссия таркиби доимий равишда фаолият юритади.

7. Комиссиянинг ваколатлари:

а) Комиссия раиси:

комиссия йиғилишини ўтказиш;

одоб-ахлоқ комиссиясининг мақсади, вазифалари, ҳуқуқлари ва унинг фаолиятини ташкил этишнинг бошқа масалаларидан келиб чиққан ҳолда комиссия аъзоларига, шунингдек, жалб қилинган мутахассислар ва экспертларга топшириқлар бериш;

йўл қўйилган қоида бузилишининг сабабини ҳисобга олган ҳолда, Университет ходимлари ва талабаларига нисбатан одоб-ахлоқ кодексининг бузилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги огоҳлантириш бериш;

Одоб-ахлоқ кодекси бузилишини содир этган ходим ва талабаларни жавобгарликка тортиш тўғрисида Университет ректорига таклиф киритиш.

б) Комиссия котиби:

Комиссиянинг фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш масалаларини ҳал қилади;

Комиссиянинг навбатдаги мажлисига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди, Университет ходимларидан зарур ҳужжатлар ва маълумотларни сўраб олади;

кун тартибига мувофиқ Комиссия мажлислари ўтказилишини ташкил этади;

Комиссиянинг аъзоларини ва таклиф этилган шахсларни Комиссия мажлиси ўтказиладиган жой, сана ва вақт ҳамда кун тартибига киритилган масалалар ҳақида хабардор қилади;

Комиссия мажлисининг баённомасини расмийлаштиради ва тасдиқланган баённоманинг манфаатдор шахсларга жўнатилишини таъминлайди;

д) Комиссия аъзоси:

Комиссия томонидан кўриб чиқиладиган барча масалалар бўйича овоз беришга;

Комиссиянинг кўриб чиқиши учун масалалар ва таклифлар киритишга;

қарорлар тайёрланишида, муҳокамасида, қабул қилинишида, шунингдек уларнинг амалга оширилишини ташкил этишда ҳамда бажарилишини назорат қилишда иштирок этишга;

кўриб чиқиладиган масалага доир ҳужжатлар, маълумотномалар ва бошқа зарур ахборот билан танишишга;

Комиссия қарорига рози бўлмаган тақдирда ўз нуқтаи назарини баён этишга ҳақли.

8. Комиссия кун тартибига киритилган масалалар юзасидан комиссиянинг ҳар қандай аъзосининг манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган тўғридан-тўғри ёки билвосита қизиқиши бўлиши мумкинлиги аниқланса комиссия аъзоси йиғилиш бошлангунга қадар бу ҳақда хабар қилиши лозим. Бундай ҳолатда комиссия аъзоси ушбу масалани кўриб чиқишда иштирок этмайди.

9. Комиссия раиси зарурат туғилганда ҳар қандай жисмоний шахсни комиссиянинг иш фаолиятига эксперт сифатида жалб қилиши мумкин. Жалб қилинадиган шахслар комиссия фаолиятида иш бошлангунга қадар ушбу Низом билан таништирилиши шарт.

10. Комиссия аъзолари комиссия мажлисида иштирок этаётган шахслар комиссия иш фаолияти давомида ўзларига маълум бўлиб қолган махфий маълумотларни ошкор қилишлари тақиқланади. Комиссия фаолияти жараёнида олинган маълумотлар фақат ахборот, ахборотлаштириш ва ахборотни ҳимоя қилиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланилиши мумкин.

11. Комиссиянинг йиғилиши зарурат бўлгандагина ўтказилиши мумкин.

12. Комиссия йиғилиши комиссия аъзоларининг 2/3 қисми иштирок этгандагина ўтказилади. Комиссия қарорлари оддий, кўпчилик овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлганда Комиссия раисининг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.и зарурат бўлгандагина ўтказилиши мумкин.

4. Комиссиянинг иш фаолияти

14. Комиссия йиғилишини ўтказиш учун асос бўлиб Одоб ахлоқ кодексининг бузилганлиги тўғрисидаги Университет ходимлари ва талабаларининг ёзма мурожаатлари ёки Университет ректорининг кўрсатмаси ҳисобланади.

15. Комиссия маъмурий ҳуқуқбузарликларни ёки жиноят содир этилган ҳолатларни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги Қонун талабларига жавоб бермайдиган аноним мурожаатларни кўриб чиқмайди ҳамда давлат органлари ва меҳнат комиссиялари ваколатига кирувчи меҳнат интизомини бузилиши ҳолатлари бўйича текширишлар ўтказмайди.

16. Одоб-ахлоқ кодекси бузилганлиги ҳақидаги маълумотлар акс эттирилган мурожаатларни қонунчиликка мувофиқ ўз вақтида фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлигини таъминлаган ҳолда, ҳалоллик ва ҳолислик ҳамда адолатли кўриб чиқилиши лозим.

17. Комиссия йиғилишини ўтказиш учун асосли маълумотлар келиб тушган вақтда комиссия раиси уч иш куни ичида комиссия йиғилиши бўлиб ўтадиган кунини тайинлайди. Комиссия йиғилиши мурожаат келиб тушган кундан бошлаб етти кундан ўтиб кетмаслиги керак.

Комиссия раиси одоб-ахлоқ кодекси бузилиши ҳолатлари бўйича ушбу қоидаларга риоя этмаган деб топилган Университет ходимлари ва талабаларини келиб тушган маълумотлар билан таништириши шарт.

18. Комиссия мажлиси одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этмаган деб топилган Университет ходимлари ва талабалари иштирокида ўтказилади. Кўрилаётган масала бўйича Университет ходимлари ва талабаларининг (айрим ҳолатларда комиссия розилиги асосида талабаларнинг ота-оналари, қонуний вакиллари ёки университет ва талаба ўртасида тузилган таълим шартномасидаги учинчи тараф иштирок этиши мумкин) шахсан ёзма илтимосига кўра комиссия йиғилиши унинг иштирокисиз ўтказилиши мумкин. Университет ходимлари ва талабаларининг кўрилаётган масала бўйича ўзининг иштирокисиз кўриш тўғрисидаги илтимоси бўлмасдан туриб комиссия мажлисига келмаган тақдирда масалани кўриб чиқиш қолдирилади. Университет ходимлари ва талабаларининг комиссия йиғилишига узрли сабабларсиз такроран келмаслиги ҳолатни кўриб чиқишни қолдириш учун асос ҳисобланмайди. Бундай ҳолатда комиссия ушбу масала бўйича мавжуд ҳужжатлар ва йиғилиш иштирокчиларининг нутқларига асосан қарор қабул қилади.

19. Комиссия муҳокамаси мурожаатда келтириб ўтилган талаблар ва асослар доирасида амалга оширилади. Одоб-ахлоқ кодекси бузилиши бўйича кўриб чиқилаётган жараёнда мурожаатнинг предмети ва асосини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

20. Университет ходимлари ва талабалари йўл қўйган қоидабузарлиги тўғрисида маълумот олиш, кўриб чиқилиш босқичи ва унинг ҳимояси учун далиллар тақдим қилиш, шунингдек, Комиссия қарори устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Комиссия мажлисида Университет ходимлари ва талабалари (ўзининг розилиги билан) ва бошқа шахсларнинг ёзма ва оғзаки тушунтиришлари, мазкур ҳолат бўйича тақдим қилинаётган ҳужжатларга эътирозлар, шунингдек, қўшимча материаллар кўрилади.

21. Комиссия кўрилган масалалар якуни бўйича қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

а) Университет ходимлари ва талабалари ҳаракатида одоб-ахлоқ кодекси бузилиши таркиби ва даражасини ҳамда мазкур ходим ёки талабага нисбатан интизомий жазо қўллаш бўйича Университет ректорига тавсия бериш;

б) Университет ходими ва талабаларнинг ҳаракатларида одоб-ахлоқ қоидалари бузилишининг таркиби йўқлиги ва асоссиз маълумотнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш;

д) Университет ходими ва талабаларнинг ҳаракати ёки ҳаракатсизликларида маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят таркиби борлиги аниқланган тақтирда тегишли маълумотларни тасдиқловчи ҳужжатларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юбориш.

5. Комиссия қарорларини расмийлаштириш тартиби

23. Комиссия қарорлари комиссия раиси, аъзолари ва котибаси томонидан имзоланадиган баённомалар билан расмийлаштирилади.

24. Маълум бир ҳолат бўйича қабул қилинган Комиссия қарори (лари) 5 календар кунни муддатда расмийлаштирилади.

25. Комиссия қарори нусхаси Университет ходимларига ва талабаларига танишиш ва келгусида бундай қоидабузарликларни такрорламаслик мақсадида берилади.

26. Комиссия қароридан норози бўлган комиссия аъзолари ўз фикрларини ёзма баён қилишлари мумкин. Ушбу фикрлар баённомага қўшиб қўйилади.

6. Яқунловчи қоидалар

27. Одоб-ахлоқ кодексида акс эттирилмаган масалалар юзасидан вужудга келган муаммоли вазиятлар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

28. Мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш уни тасдиқлаш тартибига мувофиқ амалга оширилади.

**Тошкент шаҳридаги Инҳа университетининг талабалари томонидан
ички тартиб қоидаларига зид келадиган низоли ҳолат ва вазиятларни
кўриб чиқиш бўйича Одоб-ахлоқ комиссия
ТАРКИБИ**

Т. Турсунмуратов	Университетнинг биринчи проректори, <i>Комиссия раиси</i>
	<i>Комиссия аъзолари:</i>
Lee Dong Won	Университет проректори, комиссия раиси ўринбосари.
Б. Хаджаев	Илмий кенгаш котиби
Naseer Abdul Rahim	CSE факультети раҳбари
Seulki Lee	SBL факультети раҳбари
Ж. Ходжаев	ICE факультети раҳбари
Д. Абдалимова	Бошқарув сифати тизими менежери
Ж. Хурамов	Талабалар билан ишлаш ва қўллаб- қувватлаш бўлими бошлиғи
И. Юлдашев	Юридик бўлими бош юрисконсулти
Д. Абдурахмонова	Университетнинг психологи-хотин-қизлар қўмитаси бошлагич ташкилоти раиси
Б. Абдулҳакимов	Маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи <i>комиссия котиби</i>

Изоҳ; комиссия аъзолари ишдан бўшаганда ёки бошқа лавозимга ўтказилганда уларнинг ўрнига шу лавозимга тайинланган ёки вақтинча юклатилган шахслар таркибга киритилади.

**Тошкент шаҳридаги Инха университетининг ходимлари томонидан
ички тартиб қоидаларига зид келадиган низоли ҳолат ва вазиятларни
кўриб чиқиш бўйича Одоб-ахлоқ комиссия
ТАРКИБИ**

Т. Турсунмуратов	Университетнинг биринчи проректори, <i>Комиссия раиси</i>
<i>Комиссия аъзолари:</i>	
А. Тагаев	Маъмурий масалалар бўйича бош менежер, комиссия раиси ўринбосари
Р. Қазақов	Молия-иқтисодий масалалар бўйича бош менежер
Н. Исамухамедова	Ходимлар бўлими бошлиғи
Д. Абдурахмонова	Университетнинг психологи-хотин-қизлар қўмитаси бошлагич ташкилоти раиси
Т. Матчанов	Мониторинг ва ижро назорати бўлими бошлиғи
Э.Раҳимов	Университетнинг касаба уюшмаси раиси
Х. Акрамова	Юридик бўлим бошлиғи
Г. Ишанкулова	Ходимлар бўлими бошлиғи ўринбосари, <i>комиссия котиби</i>

***Изоҳ:** комиссия аъзолари ишдан бўшаганда ёки бошқа лавозимга ўтказилганда уларнинг ўрнига шу лавозимга тайинланган ёки вақтинча юклатилган шахслар таркибга киритилади.*